



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR МАНКАМАСИНинг QARORI

20 21 yil « 24 » noyabr

№ 709

Toshkent sh.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24 ва 24²-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июнданги ПФ-6243-сон Фармонининг 14-банди, “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сон қарорининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини очик электрон танловга чиқариш материалларини тайёрлаш, танловни ташкил этиш, унда иштирок этиш, танлов ғолибини аниқлаш ва танлов натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш ҳамда танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутувчи **Дехқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти** 1-иловага мувофиқ;

кишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини очик электрон танловга чиқариш материалларини тайёрлаш, танловни ташкил этиш, танлов ғолибини аниқлаш ва танлов натижаларини тасдиқлаш ҳамда танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутувчи **Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти** 2-иловага мувофиқ;

кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби, иккиламчи ижарага берганлик учун тўловларни амалга ошириш, иккиламчи ижарага бериш шартномасига ўзгартириш киритиш ва уни бекор қилиш тартибини назарда тутувчи **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсінки, унга мувофиқ:

туман (шаҳар) ҳокимліктері манбаатдор давлат ташкилотлари билан биргалиқда ҳар йили ноябрь ойига қадар (заруратта күра, йилнинг бошқа даврларида) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, худудларни ихтисослаштириш, бўш турган, захирадаги ва келгусида захираға олинадиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки дехқон хўжалиги ташкил этиш учун очик электрон танловга чиқариш бўйича лойиҳаларни тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиning навбатдан ташқари сессиясига киритади;

киритилган лойиҳалар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг, туман (шаҳар) ҳокимлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини очик электрон танловга кўйиш чораларини кўради;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган худудларни ихтисослаштириш йўналишлари йил давомида захирадаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича лойиҳа тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи;

3. Белгилаб қўйилсінки:

қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ижарага олиш хукуқини қўлга киритиш учун ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб 30 йил муддатга ҳисобланадиган қўшимча тўловлар тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади ҳамда уларнинг алоҳида ҳисоби юритилади;

мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган маблағлар қатъий равишда инвестиция ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларига мувофиқ тегишли ҳудудда қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан суғориш тизимларини яхшилаш, замонавий суғориш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун зарур инфратузилмани яратиш, ер тузиш ишларини институционал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сўнги илмий янгилик ва инновацион ёндашувларни жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган маблағларнинг аниқ ҳисобини юритиш, ундириш муддатларини белгилаш ва ушбу маблағларни сарфлаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсін.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2021 йил “24” ноябрдаги 709-сон қарорига
1-илова

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш тартибини белгилайди.

Мазкур Регламент талаблари якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачилик юритиш учун ер участкалари беришга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2. Мазкур Регламентда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли ташкилотлар – ер тузиш лойиҳаларини келишадиган ташкилотлар – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ер участкасидан фойдаланиш мақсади ва ихтисослиги бўйича), Сув хўжалиги вазирлиги (сув таъминоти, ирригация ва мелиорация иншоатлари бўйича) ва Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (ер участкаси чегаралари бўйича) ҳудудий бўлинмалари;

ер тузиш лойиҳаси – ягона мавзе бўйича контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда, ер участкаси чегаралари, ҳудуднинг ихтисослиги, ишлаб чиқариш йўналиши, суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлари ҳисобга олинган муайян ер участкасини ижарага бериш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар тўплами;

ижрочи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-loyiҳalaш институти;

закалат – иштирокчи томонидан танловда қатнашиш учун кафолат таъминоти сифатида киритиладиган пул;

лот – буюртмачи томонидан танловда ер участкасини ижарага бериш учун савдо платформасига қўйилган объект;

оператор – савдо платформасида танловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколати берилган “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси;

очиқ электрон танлов – лотни ижарага беришда талабгорлардан келиб тушган таклифлар орасидан энг яхши таклифни автоматик равишда баҳолаш йўли билан ғолибни аниқлаш бўйича ўтказиладиган очиқ электрон танлов шакли;

талабгор – лотни қўлга киритиш бўйича қизиқиш билдириб, очиқ электрон танловда иштирок этиш учун мурожаат қилган, ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс;

танлов ғолиби – очиқ электрон танлов натижалари бўйича энг юқори баллга эга бўлган талабгор;

танловнинг салоҳиятли ғолиби – танлов ғолибининг таклифидан кейинги энг яхши таклифни тақдим этган талабгор;

техник узилиш – танлов жараёнида бир ёки бир нечта иштирокчининг қатнашишини ёки мазкур Регламент талаблари асосида операторнинг хизмат кўрсатиш имкониятини чеклайдиган савдо платформасидаги техник носозликлар;

шахсий кабинет – иштирокчига танловларга буюртма бериш, уларда қатнашиш, шахсий ҳисобни бошқариш, унинг ҳолати ва бошқа статистик маълумотларни кўриш ҳамда оператор томонидан жўнатилаётган хабарлар билан танишиб бориши берувчи савдо платформанинг маҳсус бўлими;

электрон буюртма – дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов асосида реализация қилиш бўйича танлов ташкил қилиш юзасидан ижрочи томонидан операторга бериладиган электрон буюртма;

электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) – электрон хужжатдаги мазкур электрон хужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ қалитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ қалити ёрдамида электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ қалитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берувчи имзо;

“E-IJARA” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “E-IJARA” АТ) – ер участкаларини бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишни амалга оширишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими;

“E-AUKSION” электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда – савдо платформаси) – ер участкаларини ижарага бериш учун очиқ онлайн танловларни ташкил этиш ахборот тизими.

3. Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Конунида белгиланган муддатларга ва ўлчамларда ижарага берилади.

2-боб. Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини очиқ электрон танловга қўйиш бўйича материалларни тайёрлаш тартиби

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) Давлат кадастрлари палатаси туман (шахар)лар ҳокимликлари номига давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тўғрисидаги куйидаги маълумотларни электрон ахборот алмашинув орқали Ижрочига юборади:

ер участкаси кадастр рақами, ер тури ва географик жойлашуви, майдони (гектарда);

ер участкасининг электрон харитасида кўрсатиш учун ер участкасини кадастр харитаси (координатали нуқталари, чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема);

мавжуд давлат кадастрлари обьектлари (газ, алоқа ва энергетика обьектлари, автомобиль ва темир йўллар, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, транспорт қувурлари, гидротехник иншоотлар, муҳофаза қилинадиган обьект ва ҳудудлар ҳамда бошқалар) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (изоҳ кўринишида). Бунда Давлат кадастрларини юритувчи вазирлик ва идоралар давлат кадастрлари ягона тизимида маълумотларни тўлиқлигига жавобгар ҳисобланади.

6. Жисмоний шахслар “E-IJARA” АТ га бўш турган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни очиқ электрон танловга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш ҳукуқига эга.

Ижрочи жисмоний ёки юридик шахснинг таклифи келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичida очиқ электрон танловдаги маълумотлар билан солиштириб таклифни қабул қиласди ёки сабабларини кўрсатган ҳолда жойлаштиришни рад этади. Бўш ер участкаси аниқланган тақдирда ер участкасига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун туман (шаҳар) ҳокимликларига юборади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари таклиф этилган ер участкасини ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирлари юзасидан кўриб чиқади. Кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан уч иш куни ичida Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларига электрон ахборот алмашинув орқали буюртма беради.

Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармалари беш иш куни ичida мазкур ер участкасининг кадастр ҳужжатларини туман (шаҳар) ҳокимлиги номига расмийлаштиради, натижаси бўйича таклиф этилган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни ёки рад этиб, бунинг сабабларини электрон ахборот алмашинув орқали “E-IJARA” АТга жойлаштиради.

Бунда кадастр йигмажилдини (паспортини) тайёрлаш ва ер участкасини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорида белгиланган миқдорларда қопланади.

Жисмоний шахслар ваколатли органларнинг мурожаатини кўриб чиқишини қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

7. Ижрочи беш иш куни ичida кўрсатилган ер участкаларини жойига чиқкан ҳолда ўрганади ва ер участкасининг ҳақиқий ҳолати (лойиҳалаштирилаётган ер участкасининг ҳолати, ҳудуднинг ихтисослиги,

сув билан таъминланганлик даражаси ва ирригация тизимининг ҳолати, балл-бонитети, шўрланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар)дан келиб чиқиб, ер участкасининг ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади.

Ижрочи очик электрон танловга қўйилаётган ер участкаси бўйича ушбу Регламентнинг 4-бандида белгиланган қишлоқ хўжалиги мақсадлари ва ўлчамларидан келиб чиқиб, бир неча ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳар бир ер тузиш лойиҳасига “E-IJARA” АТда автоматик тарзда ўзига хос рақам берилади.

8. Ижрочи ҳар бир ер тузиш лойиҳасини Кадастр агентлигидан олинган дастлабки форматларда келишиш учун ваколатли ташкилотларга “E-IJARA” АТ орқали юборади.

Очиқ электрон танловга қўйилаётган ер участкасида давлат кадастрлари обьектлари (газ, алоқа ва энергетика обьектлари, автомобиль ва темир йўллар, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, транспорт кувурлари, мелиорация ва ирригация иншоотлари, муҳофаза қилинадиган обьект ва ҳудудлар ҳамда бошқалар) мавжуд бўлган ҳолатларда қўшимча равишда давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатли органлар билан ҳам келишилади.

9. Ваколатли ташкилотлар томонидан “E-IJARA” АТ га ер тузиш лойиҳалари жойлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ушбу лойиҳаларни келишади ёки келишишни рад этади.

Бунда “E-IJARA” АТ да қабул қилинган қарор ҳақида электрон рақамли имзо билан тасдиқланадиган тегишли белги қўйилади.

Келишув ҳеч қандай эътиroz ва шартларсиз амалга оширилади.

Келишиш рад этилганда, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда, тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини амалга ошириш (реализация қилиш) имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади ҳамда мазкур лойиҳа айнан қайси жиҳатдан ушбу нормаларга мувофиқ эмаслиги акс эттирилади.

Белгиланган муддатда жавоб берилмаган ҳолларда ер тузиш лойиҳалари келишилган ҳисобланади.

10. Ижрочи ер тузиш лойиҳасини тасдиқлаш учун икки иш куни ичида куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда “E-IJARA” АТ орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади:

- а) ер участкасининг майдони (гектарда) ва тоифаси ҳамда ер турлари контурлар кесимида жадвал шаклидаги маълумот;
- б) инфратузилма обьектлари мавжудлиги тўғрисида маълумот;
- в) ер участкасининг (1:2000 миқёсдаги, яловлар учун 1:5000 миқёсдаги) қишлоқ хўжалиги электрон харитасидан кўчирмаси, ер тузиш лойиҳасининг чегаралари ва манзили;
- г) чегарадош ер участкалари фойдаланувчилари ҳақида маълумотлар.

11. Туман (шаҳар) ҳокимлиги уч иш куни ичида тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиб, ЭРИ билан тасдиқлайди ҳамда “E-IJARA” АТ орқали ижрочига юборади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги уч иш куни ичида очиқ электрон танловга қўйилаётган ер участкасининг ихтисослашуви ва йўналишига ўзгартириш киритиш ҳақида ёки очиқ электрон танловда иштирок этувчи шахслар (очиқ электрон танловга қўйилган ер участкаси жойлашган ҳудуддаги жисмоний шахслар) доирасини белгилаган ҳолда, ер тузиш лойиҳасини тузатишлар киритиш учун ижрочига қайтариши мумкин. Бошқа сабаблар билан ер тузиш лойиҳасини қайтаришга йўл қўйилмайди.

12. Ижрочи уч иш куни ичида камчиликларни бартараф этиб, лойиҳани тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига қайта киритади.

Бунда ваколатли ташкилотлар билан қайтадан келишиш талаб этилмайди.

13. Туман (шаҳар) ҳокимлиги икки иш куни ичида тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиб, ЭРИ билан тасдиқлайди ҳамда “E-IJARA” АТ орқали ижрочига юборади.

Ер тузиш лойиҳаси белгиланган муддатда тасдиқланмаган ҳолларда лойиҳа тасдиқланган ҳисобланади ва ҳаракат “E-IJARA” АТ да автоматик тарзда кейинги босқичга ўтади.

14. Ижрочи бир иш куни ичида туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ер тузиш лойиҳаси асосида ер участкасини очиқ электрон танловга қўйиш тўғрисида ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги электрон буюртмани “E-IJARA” АТ орқали операторга юборади.

Буюртмага ер тузиш лойиҳаси илова қилинади.

15. Буюртмага ер тузиш лойиҳаси илова қилинмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилган тақдирда, оператор томонидан буюртма келиб тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмасдан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун буюртмани “E-IJARA” АТ орқали ижрочига қайтаради.

16. Ижрочи буюртмани қайтаришга асос бўлган камчиликларни бир иш куни ичида тўлиқ бартараф этиб, такроран электрон буюртмани “E-IJARA” АТ орқали операторга юборади.

3-боб. Очиқ электрон танловни ташкил этиш тартиби

17. Оператор буюртма келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида очиқ электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги хабарнома ва лот ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси ижара шартномаси лойиҳасини савдо платформада эълон қиласди.

Эълон қўшимча равишда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва газеталарида ҳам эълон қилиниши мумкин.

18. Очиқ электрон танлов хабарнома ва лот ҳақида эълон берилган кундан бошлаб 15 календарь кунидан сўнг ўтказилади.

19. Очиқ электрон танловда иштирок этиш учун аризалар савдо платформаси орқали юборилади. Бунда:

икки ёки ундан ортиқ лотлар бўйича очиқ электрон танловда ғолиб бўлган талабгорга факат битта ер участкаси учун ғолиблик баённомаси расмийлаштирилади, танлов ғолибига ер участкаларидан бирини танлаш имконияти берилади, қолган лотлар бўйича танлов натижалари бекор қилинади, бунда бекор қилинган лотлар бўйича закалат пул танлов ғолибига қайтарилади;

очиқ электрон танловда бир маротаба ғолиб бўлган шахс кейинги танловларда иштирок этмайди;

амалдаги дехқон хўжалиги юритиш учун олинган ер участкаси бўйича шартнома бекор бўлганда “E-IJARA” АТ орқали операторга хабар беради ва қайта очиқ танловларда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлади.

20. Очиқ электрон танловда қатнашиш учун талабгорларнинг аризаси хабарнома жойлаштирилгандан бошлаб танлов ўтказилиши белгиланган кун соат 9-00 га (GMT+5) қадар савдо платформаси орқали қабул қилинади.

Қабул қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин келиб тушган аризалар қабул қилинмайди.

Талабгор ариза қабул қилиш муддати давомида ўз аризасини қайтариб олишга ва қайта топширишга ҳақли.

21. Хабарнома ва лотга оид ахборот танлов бошланишидан камида 15 календарь кунидан олдин савдо платформасида эълон қилинади.

Хабарномада қуйидагилар акс эттирилади:

танлов шакли, ўтказиладиган санаси, танлов натижаларини эълон қилиш вақти;

лот рақами ва объект номи;

танловда қатнашиш учун ариза қабул қилишни якунлаш санаси ва вақти;

танлов объектига оид буюртмада кўрсатилган ва унга илова қилинган маълумот ва ҳужжатлар;

закалат пулининг микдори;

ижрочининг манзили ва телефон рақами;

ижрочи томонидан тақдим этилган қўшимча маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

танлов объектини олдиндан кўриш (кўздан кечириш) тартиби;

танлов шартларини савдо платформасида эълон қилиш;

объектнинг жойлашган манзили, фотосурати ва геолокацияси.

Оператор томонидан савдо платформасида танлов ўтказилиши тўғрисида хабарнома эълон қилингандан кейин танлов шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Ижрочи томонидан буюртмани савдо

платформасидан чиқариб олиш ҳамда танлов шартларини ўзгартирилган ҳолда буюртмани қайта юбориш ҳолатлари бундан мустасно.

Оператор ижрочи томонидан тақдим этилган танлов объекти бўйича маълумот ва хужжатлар юзасидан жавобгар ҳисобланмайди.

4-боб. Очиқ электрон танловда иштирок этиш тартиби

22. Талабгорлар очиқ электрон танловда иштирок этиш учун:

савдо платформаси орқали ушбу Регламентга 3-иловада келтирилган шаклдаги аризани ЭРИ билан тасдиқлаб юборади;

базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари микдоридаги закалат пулни операторнинг маҳсус депозит ҳисобварағига киритади, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган талабгорлар ушбу тўловдан озод қилинади.

23. Ариза ушбу Регламент талабларига мувофиқ тақдим этилган тақдирда, оператор зудлик билан талабгорга очиқ электрон танловда иштирок этиш учун рухсат беради, шунингдек, уяли алоқа телефонига ва электрон почта орқали талабгорнинг танлов иштирокчиси мақомини олганлиги ҳақида кўшимча равишда хабар беради.

Талабгор хабар билан ўз вақтида танишмаганлиги учун оператор жавобгар ҳисобланмайди.

24. Ушбу Регламентнинг 22-бандида назарда тутилган закалат пул талабгор томонидан операторнинг маҳсус депозит ҳисобварағига киритилмаганда, талабгорлар танловда иштирок этишига рухсат берилмайди (тўловдан озод қилинган талабгорлар бундан мустасно).

Талабгор томонидан савдо платформасига киритилган маълумотлар, шу жумладан, танлов таклифларининг ҳаққонийлиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

Очиқ электрон танловга талабгорлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмагани ёхуд танлов савдоларига оид маълумотлар билан танишиб чиқмаганлиги учун оператор жавобгар ҳисобланмайди.

5-боб. Очиқ электрон танловни ўтказиш ва балл бериш тартиби

25. Танлов натижалари бўйича талабгорларнинг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар танлов ўтказиладиган кун соат 10:00 да (GMT+5) савдо платформасида автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда очиқ электрон танлов дам олиш ва байрам кунларида ўтказилмайди.

26. Очиқ электрон танловда иштирок этаётган талабгорларнинг имкониятлари ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган мезонлар бўйича баҳоланади.

27. Очиқ электрон танлов қуидаги ҳолларда ўтказилмаган деб эътироф этилади:

очиқ электрон танловда иштирок этиш учун ариза келиб тушмаган бўлса;

очиқ электрон танлов ғолиби томонидан ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолаш рад этилганда;

очиқ электрон танловда иштирок этиш учун фақат бир нафар иштирокчи ариза топширган бўлса (бундан З маротаба танлов ўтмаган деб эътироф этилган ва мазкур лот қайта танловга қўйилганда битта талабгор иштирок этиш ҳоллари мустасно).

28. Тегишли лот бўйича танлов ўтказилмаган деб эътироф этилганда, ўн кундан сўнг такорий танлов умумий тартибда ўтказилади.

29. Оператор қуидаги мажбуриятларга эга:

очиқ электрон танловни белгиланган вақтда ташкил этиш;

очиқ электрон танловнинг инсон омили аралашувисиз ўтишини таъминлаш;

дастурий маҳсулотлар, мавжуд техникаларини, сервер қурилмалари, коммуникация ускуналари ва очиқ электрон танловни ўтказишда фойдаланиладиган барча воситаларнинг техник узилишларсиз ишлашини таъминлашга қаратилган барча зарур чораларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш;

очиқ электрон танлов қоидалари бузилишининг олдини олиш, бундай холатларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш;

очиқ электрон танловда иштирок этишда барча иштирокчилар учун шарт-шароитларнинг тенглигини таъминлаш;

очиқ электрон танлов ўтказишда ошкоралик ва оммавийлик шартларини таъминлаш;

очиқ электрон танлов иштирокчилари ва барча манфаатдор тарафлар учун танловга оид маълумотларни кулай ва тезкор равишда доимий эълон қилиб бориш.

Оператор зиммасига қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

6-боб. Очиқ электрон танлов ғолибини аниқлаш ва танлов натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартиби

30. Талабгорларнинг ҳар бир кўрсаткичига қўйилган баллар ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган мезонларга мувофиқ савдо платформаси орқали автоматик равишда ҳисоблаб чиқарилади.

31. Энг кўп балл тўплаган талабгор очиқ электрон танлов ғолиби деб топилади ва оператор томонидан танлов ўтказилган куннинг ўзида эълон қилинади ҳамда бир вақтнинг ўзида танлов ғолибининг шахсий кабинети, уяли алоқа телефонига ва электрон почта манзилига бу ҳақда хабар юборилади.

Талабгорлар тўплаган баллар тенг бўлиб қолган тақдирда календарь тартибida аризани биринчи бўлиб топширган талабгор очиқ электрон танлов ғолиби сифатида эътироф этилади.

32. Танлов объекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолаш учун танлов ғолибига беш иш кунлик муддат берилади.

33. Оператор очик электрон танлов якунланган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан QR-кодини (матрик штрихли код) кўллаш орқали танлов натижалари тўғрисидаги маҳсус рақам қўйилган электрон баённомани расмийлаштиради ва танлов ғолибининг шахсий кабинетига юборади.

34. Баённомада куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

танлов ўтказилган сана;

баённома расмийлаштирилган сана;

танлов ғолиби ҳақида маълумот ҳамда унинг танлов таклифларига берилган баллари;

танлов обьекти ҳақида маълумотлар;

буортмачи ва танлов ғолиби ўртасида танлов обьекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини тузиш муддати.

35. Агар танлов ғолиби баённома расмийлаштирилгандан сўнг танлов обьекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолашдан бош тортса, танловнинг салоҳиятли ғолибига (агар баллар teng бўлса – аризани олдинроқ берган талабгорга) оператор томонидан беш иш кунлик муддат берилади.

Танловнинг салоҳиятли ғолиби танлов обьекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолашга розилик билдирган тақдирда, у танлов ғолиби деб эътироф этилади ва белгиланган тартибда баённома расмийлаштирилади.

Белгиланган муддатда танлов обьекти бўйича “E-IJARA” АТ орқали туман (шаҳар) ҳокимлиги билан шартнома имзолашни рад этган танлов ғолиби (салоҳиятли ғолиб) томонидан киритилган закалат пули қайтарилимайди ҳамда ушбу маблағлар оператор тасарруфида қолади.

36. Очик электрон танлов ғолиби дехқон хўжалигини юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириш истагини билдирган тақдирда, икки иш куни ичida дехқон хўжалиги сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади. Бунда очик электрон танлов натижаларига доир электрон баённомада ғолиб сифатида ушбу жисмоний шахс, танлов натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги қарорда эса у томонидан таъсис этилган дехқон хўжалиги кўрсатилади.

37. Танлов ғолиби (салоҳиятли ғолиб) томонидан танлов обьекти бўйича туман (шаҳар) ҳокимлиги билан ер участкасини ижарага олиш шартномаси имзолагандан сўнг, оператор маҳсус депозит ҳисобварагига киритилган закалат пули базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида хизмат ҳақини чегириб қолган ҳолда, қолган 70 фоиз пулни беш иш куни ичida қуйидаги тартибда тақсимлайди:

30 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” давлат муассасасига;

қолған маблағлар – ижрочининг ҳисобварағига.

Танлов ғолибидан кейинги энг күп баллни түплаган талабгорга (салохиятли ғолиб) закалат пули танлов якунланган кундан бошлаб ўн иш куни ичида қайтарилади.

Бошқа талабгорларга операторнинг маҳсус депозит ҳисобварағига киритилган пул танлов якунланган ёки ўтказилмаган деб эътироф этилган кундан бошлаб уч иш куни ичида қайтарилади.

38. Савдо платформаси орқали очиқ электрон танлов натижаларига доир электрон баённома “E-IJARA” АТ га жойлаштирилади.

39. Тегишли қарор лойиҳаси ва баённома ижрочи томонидан бир иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади. Қарор “E-qaror” ягона электрон тизимида қонунчиликда белгиланган тартибда уч иш куни ичида қабул қилинади ва “E-IJARA” АТга юборилади.

40. Белгиланган тартибда шакллантирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси ижрочи томонидан бир иш куни ичида туман (шаҳар) ҳокимлигига “E-IJARA” АТ орқали юборилади.

41. “E-IJARA” АТ томонидан юборилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси ижара шартномаси туман (шаҳар) ҳокимлиги ва очиқ электрон танлов ғолиби ўртасида ЭРИ билан автоматик тарзда тасдиқланади.

42. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ер тузиш ҳужжатлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг очиқ электрон танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани тасдиқлаш тўғрисидаги қарори нусхаси “E-IJARA” АТ орқали бир иш куни ичида Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармасига юборилади.

43. Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тегишли ҳудудий бошқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси асосида икки иш куни ичида очиқ электрон танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳукуқини давлат рўйхатидан ўтказади ва тегишли реестрдан кўчирмани электрон ахборот алмашинуви орқали ижрочига юборади.

44. Ижрочи очиқ электрон танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳукуқи давлат рўйхатидан ўтказилган куннинг ўзида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномасини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг очиқ электрон танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ҳамда танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳукуқини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича реестрдан кўчирмани танлов ғолибига “E-IJARA” АТ орқали юборади.

45. Ижрочи уч иш куни ичида очиқ электрон танлов ғолибига ер участкасининг чегарасини жойида кўрсатиб беради.

46. Танловга қўйилган обьект буюртмачи томонидан ёки тегишли суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг қарорларига асосан танлов бошлангунга қадар ёки танлов ўtkазилмаган деб топилгандан сўнг савдо платформасидан олиниши (буюртмага ўзгартириш киритилиши, бекор қилиниши) мумкин.

47. Талабгорларнинг интеграциялашган ахборот тизимлари орқали олинадиган маълумотлари ўз вақтида келмаслиги (умуман келмаслиги) ёки мавжуд эмаслиги оқибатида юзага келадиган низоларга оператор жавобгар бўлмайди.

7-боб. Якуний қоидалар

48. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

49. Мазкур Регламент талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун
ер участкаларини ижарага беришнинг
маъмурӣ регламентига
1-илова

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини
очик электрон танлов орқали ижарага бериш
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|------------|-----------|-----------|
|-----------|------------|-----------|-----------|

**I. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва худудларни
ихтисослаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари**

| | | | |
|-----------|---|---|---|
| 1-bosqich | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | <p>1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, худудларни ихтисослаштириш, бўш турган, захирадаги ва келгусида захирага олинадиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун очик электрон танловга чиқариш бўйича лойиҳаларни тайёрлайди.</p> <p>2. Тайёрланган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига киритади.</p> | Ҳар йили 1 ноябргача, заруратга кўра, йилнинг бошқа даврларида |
| 2-bosqich | Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари | Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан киритилган лойиҳаларни кўриб чиқади ва мақуллайди. | Ҳар йили ноябрь ойида, заруратга кўра, йилнинг бошқа даврларида |

**II. Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини танловга
қўйиш тартиб-таомиллари**

| | | | |
|------------|---|---|--------------------|
| 1-bosqich | Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси | Туман (шаҳар) ҳокимликлари номига давлат рўйхатидан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларга бериilmagan қишлоқ хўжалигига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни электрон ахборот алмашинув орқали “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-loyiҳalash институтига юборади. | Доимий |
| | Жисмоний ва юридик шахслар | Бўш турган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни очик электрон танловга кўйиш юзасидан “E-IJARA” АТга таклифлар киритади. | Заруратга кўра |
| 1a-bosqich | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий- loyiҳalash институти | Жисмоний ёки юридик шахснинг таклифини ўрганиб чиқади, ер участкасига кадастр хужжатларини расмийлаштириш учун туман (шаҳар) ҳокимликларига юборади ёки таклифни рад этади. | 5 иш куни ичида |
| | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | Таклиф этилган ер участкасига кадастр хужжатларини расмийлаштириш юзасидан Давлат кадастрлари палатаси худудий бошқармаларига электрон ахборот алмашинув орқали буюртма беради. | 3 иш куни ичида |
| | Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бошқармалари | Мазкур ер участкасига кадастр хужжатларини туман (шаҳар) ҳокимлиги номига расмийлаштиради, натижаси бўйича таклиф этилган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни ёки рад этиш сабабларини электрон ахборот алмашинув орқали “E-IJARA” АТга жойлаштиради. | 5 иш куни ичида |

| | | | |
|----------|--|--|-----------------|
| 2-босқич | “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти | <p>1. Туман (шахар) ҳокимликлари номига давлат рўйхатидан ўтказилган қишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисидаги маълумотларни “E-IJARA” АТ орқали юклаб олади.</p> <p>2. Ер участкасини жойига чиқсан ҳолда ўрганади ва ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади.</p> <p>3. Ҳар бир лойиҳани келишиш учун ваколатли ташкилотларга юборади.</p> | 5 иш куни ичида |
| | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бўлинмалари | Ер тузиш лойиҳасини “E-IJARA” АТ орқали келишади ёки келишишни рад этади. | 5 иш куни ичида |
| 3-босқич | “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти | Ер тузиш лойиҳасини “E-IJARA” АТ орқали тасдиқлаш учун туман (шахар) ҳокимлигига юборади. | 2 иш куни ичида |
| | Туман (шахар) ҳокимлиги | Тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини ЭРИ билан тасдиқлайди ҳамда “E-IJARA” АТ орқали “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институтига юборади. | 3 иш куни ичида |
| | “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти | Ер участкасини очиқ электрон танловга кўйиш тўғрисидаги буюртмани “E-IJARA” АТ орқали “E-AUKSION” электрон савдо платформасига юборади. | 1 иш куни ичида |

III. Танлов ўтказиш тартиб-таомиллари

| | | | |
|----------|--|---|---|
| 1-босқич | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси | Очиқ электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги хабарнома ва лот ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ер участкаси ижара шартномаси лойиҳасини “E-AUKSION” электрон савдо платформасида эълон қиласди. | 2 иш куни ичида |
| 2-босқич | Талабгорлар (жисмоний шахслар) | Белгиланган закалат маблағларни “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг махсус депозит ҳисобварағига кирилади ва ариза юборади. | 15 кун ичида |
| 3-босқич | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси | <p>1. Очиқ электрон танлов иштирокчиларига “E-AUKSION” электрон савдо платформасида танловни ташкил этади.</p> <p>2. Очиқ танлов галибини эълон қиласди ва бу ҳақда танлов галибининг шахсий кабинети, уяли алоқа телефонига ва электрон почта манзилига хабар юборади.</p> <p>3. Танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани расмийлаштиради ва танлов галибининг шахсий кабинетига юборади.</p> | Танлов ўтказилган куни соат 10:00 да (GMT+5) Танловдан кейинги кун |
| 4-босқич | Очиқ электрон танлов ғолиби | Деҳқон хўжалиги сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади. | 1 иш куни ичида |
| | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси | <p>1. Танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни автоматик равища шакллантиради.</p> <p>2. “E-IJARA” АТ орқали Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликларига “E-QAROR” ягона электрон тизимида қарорни қабул қилиш учун юборади.</p> | 1 иш куни ичида |

| | | | |
|----------|--|--|-----------------|
| 5-боскич | Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | “E-QAROR” ягона электрон тизимида қарор қабул қиласи ва “E-IJARA” АТГа юборади. | 3 иш куни ичида |
| 6-боскич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти | 1. Тасдиқланган қарор ва қишлоқ хўжалиги ер участкаси ижара шартномасини туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади. 2. Қишлоқ хўжалиги ер участкаси ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармасига юборади. | 1 иш куни ичида |
| 7-боскич | Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармаси | 1. Танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара хукукини давлат рўйхатидан ўтказади. 2. Реестрдан кўчирмани электрон ахборот алмашинуви орқали “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтига юборади. | 2 иш куни ичида |
| 8-боскич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти | Танлов ғолибига ер участкасининг чегарасини кўрсатиб беради. | 3 иш куни ичида |

Дәхқон хұжалиги юритиш учун
ер участкаларини ижарага беришнинг
маъмурый регламентига
2-илова

**Дәхқон хұжалиги юритиш учун ер участкаларини
очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш учун
ЭЛЕКТРОН БҮЮРТМА**

20 ____ йил “____” да _____ туман (шаҳар) ҳоқимлиги томонидан тасдиқланған лойиха бүйіча қуидаги ер участкасини очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш учун ушбу буюртмани тақдим этади:

1. Ер участкасининг ўзига хос рақами _____;
2. Ер участкасининг майдони _____ га;
3. Ер участкаси жойлашған жой _____ ;
4. Белгиланған мақсади _____ ;
5. Ернинг тоифаси _____ ;
- 5.1. Ер тури _____ ;
6. Танлов ғолибининг мажбуриятлари _____ ;
- 6.1. Ижара муддати _____ ;
- 6.2. Танлов ғолибига қўйиладиган талаблар:

6.3. Ер участкасидан фойдаланиш шартлари ва тартибига тааллуқли бошқа талаблар

7. “Ўздаверлойиха” институтининг худудий бўлинмасининг манзили ва боғланиш учун маълумотлар (телефон рақами, электрон почта манзили ва бошқалар) _____

Буюртма 20 ____ йил “____” _____ да тақдим этилди.
“Ўздаверлойиха” институтининг _____ худудий
бўлинмаси бошлиғи _____
(Ф.И.О.)

Дәхқон хұжалиғи юритиш учун
ер участкаларини ижарага беришнинг
маъмурый регламентига
3-илова

Очиқ электрон танловда иштирок этиш учун АРИЗА

(жисмоний шахснинг Ф.И.О., яшиаш жойи, СТИР рақами, телефон рақами, электрон почта манзили)

Танлов ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан танишдим:

Лойиха рақами: № _____

Лойиха
йўналиши, майдони: _____

Очиқ электрон танлов ўтказиш қоидалари (кейинги ўринларда – Қоидалар) билан танишиб, 20__ йил “___” _____ куни соат ___
дақиқада ўтказиладиган очиқ электрон танловда иштирок этиш учун
ушбу аризани қабул қилишингизни сўрайман.

Очиқ электрон танловда иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этиб,
очиқ электрон танловни ўтказиш бўйича қоидаларга ва келтирилган
шартларга розилик бераман.

Мен томондан тақдим этилган маълумотлар нотўгри бўлган тақдирда,
очиқ электрон танлов натижалари ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақида
огоҳлантирилдим.

Шунингдек, очиқ электрон танлов ғолиби деб топилган тақдиримда,
менга мажбуриятларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

Тўлдирилган сана _____

Дәхқон хұжалиги юритиш учун
ер участкаларини ижарага беришнинг
маъмурий регламентига
4-илова

“___”-лот бүйича дәхқон хұжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага олиш учун
үтказилған танловда иштирок этган талаборларнинг жамғарған балларини жамлаш
ВАРАҚАСИ

| T/р | Балл бериш мезонлари | | Рейтинг баллари | Талабор (Ф.И.О) |
|--|---|---|---------------------------------------|--------------------|
| А-БЛОК. Қишлоқ хұжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага олиш бүйича мажбуриятлар | | | | |
| 1 | Ижара хуқуқини ютиб олиш учун тұланаған тұлов (мазкур сұмма танлов үтказилған санадагы норматив қиймат бүйича хисобланади ҳамда 30 шарлаға тенг тақсимланады) | 10 норматив қийматидан юқори (жар бир норматив қиймат учун) ер норматив қийматининг 0 баробаридан 10 баробаригача (жар бир норматив қиймат учун) | 2 1 | |
| 2 | Яратыладынан иш үрни (бір гектар майдон хисобидан) | 3 нафар ва ундан күп 2 нафар 1 нафар | 10 5 1 | |
| Б-БЛОК. Талабор ҳақида маълумотлар | | | | |
| 3 | Талаборнинг кредит тариҳи | Аъло күрсаткич Яхши күрсаткич Үртаса күрсаткич Заиф күрсаткич Ёмон күрсаткич | 8 6 4 2 0 | |
| 4 | Талаборнинг аграр соҳа бүйича мутахассислиги ва аниқ режаларнинг мавжудлиги | Олий ва ўрта маҳсус маълумот Яңғы тартибда ташкил қылинған касбга ўқитиш марказларыда, малака ва билимга эгалиги (моно марказ, агрохизматлар марказы, фермерлар мактаби, маслаҳат оғислари ва бошқа) Техник иқтисодий асос ва бизнес режанинг мавжудлиги Мавжуд эмас | 5 3 2 0 | |
| 5 | Талаборнинг ўз томорқасидан самарали фойдаланаётгандылығы (маҳаллаагы ҳоким ёрдамчысы томонидан бағоланады) | аъло яхши кониқарли кониқарсиз | 20 10 0 -5 | |
| 6 | Ишсиз оила аъзолари сони (ота-онаси, әр-хотини, фарзандлари) | 4 киши ва ундан күп 3 киши 2 киши 1 киши | 15 10 7 3 | |
| В-БЛОК. Қўшимча имкониятлар берувчи коэффициентлар (автоматик равишида бағоланади) | | | | |
| 7 | Ер участкаси жойлашған худуд (МФЙ)да яшовчи талабор | | 2,0 | |
| | Ер участкаси жойлашған туманда, бироқ бошқа худуд (МФЙ)да яшовчи талабор | | 1,5 | |
| | Ер участкаси жойлашған вилоятда, бироқ бошқа туман (шаҳар)да яшовчи талабор | | 1,1 | |
| 8 | “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилған талабор | | 1,1 | |
| Жами | | | | |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “22” ноябрдаги 709 -сон қарорига
2-илова

**Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун
ер участкаларини ижарага беришнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент юридик шахсларга (дехқон хўжаликлиридан ташқари) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламент талаблари:

а) дехқон хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришга;

б) ўрмон фонди ерларини ижарага беришга;

в) Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришга;

г) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Регламентда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли ташкилотлар – ер тузиш лойиҳаларини келишадиган ташкилотлар – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ер участкасидан фойдаланиш мақсади ва ихтисослиги бўйича), Сув хўжалиги вазирлиги (сув таъминоти, ирригация ва мелиорация иншоотлари бўйича) ва Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (ер участкаси чегаралари бўйича бўйича) худудий бўлинмалари;

ер тузиш лойиҳаси – ягона мавзе бўйича контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда, ер участкаси чегаралари, худуднинг ихтисослиги, ишлаб чиқариш йўналиши, суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлари ҳисобга олинган муайян ер участкасини ижарага бериш учун ишлаб чиқилган хужжатлар тўплами;

ижрочи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти;

закалат – иштирокчи томонидан танловда қатнашиш учун кафолат таъминоти сифатида киритиладиган пул;

лот – танловга қўйилган, туман (шаҳар) ҳокимликлари номига давлат рўйхатидан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси;

оператор – савдо платформасида танловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколати берилган “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси;

очиқ электрон танлов – лотни ижарага беришда талабгорлардан келиб тушган таклифлар орасидан энг яхши таклифни автоматик равишда баҳолаш йўли билан ғолибни аниқлаш бўйича ўтказиладиган танлов шакли;

талабгор – лотни қўлга киритиш бўйича қизиқиш билдириб, танловда иштирок этиш учун мурожаат қилган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний ва юридик шахслар;

танлов ғолиби – очиқ электрон танлов натижалари бўйича энг юқори баллга эга бўлган талабгор;

танловнинг салоҳиятли ғолиби – танлов ғолибининг таклифидан кейинги энг яхши таклифни тақдим этган талабгор;

техник узилиш – танлов жараёнида бир ёки бир нечта иштирокчининг қатнашишини ёки мазкур Регламент талаблари асосида операторнинг хизмат кўрсатиш имкониятини чеклайдиган савдо платформасидаги техник носозликлар;

шахсий кабинет – иштирокчига танловларга буюртма бериш, уларда қатнашиш, шахсий ҳисобни бошқариш, унинг ҳолати ва бошқа статистик маълумотларни қўриш ҳамда оператор томонидан жўнатилаётган хабарлар билан танишиб бориши имконини берувчи савдо платформасининг маҳсус бўлими;

электрон буюртма – қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини танлов асосида реализация қилиш бўйича танлов ташкил қилиш юзасидан ижрочи томонидан операторга бериладиган электрон буюртма;

электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) – электрон хужжатдаги мазкур электрон хужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон хужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берувчи имзо;

“E-IJARA” ахборот тизими (кейинги ўринларда – “E-IJARA” АТ) – ер участкаларини бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ҳамда ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишни амалга оширишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими;

“E-AUKSION” электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда – савдо платформаси) – ер участкаларини ижарага бериш учун очиқ онлайн танловларни ташкил этиш ахборот тизими.

4. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш ушбу Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган муддатларга ижарага берилади.

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаси қуидаги ўлчамларда ижарага берилади:

сабзавот-полизчилик йўналишига – камида 3 гектар;

боғдорчилик, узумчилик йўналишига – камида 3 гектар;

чорва озуқа экинларини етиштириш учун бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда сугориладиган ерлардан – камида 0,3 гектар, лалмикор ерлардан – камида 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан – камида 2 гектар;

пахта ва ғаллачилик йўналишига – камида 30 гектар;

ғаллачилик ва сабзавотчилик йўналишига – камида 10 гектар;

сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштиришга – камида 0,01 гектар.

2-боб. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини очиқ электрон танловга қўйиш бўйича материалларни тайёрлаш тартиби

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) Давлат кадастрлари палатаси туман (шахар)лар ҳокимликлари номига давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари тўғрисидаги қуидаги маълумотларни электрон ахборот алмашинув орқали ижроига юборади:

ер участкаси кадастр рақами, ер тури ва географик жойлашуви, майдони (гектарда);

ер участкасининг электрон харитасида кўрсатиш учун ер участкасини кадастр харитаси (координатали нуқталари, чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема);

мавжуд давлат кадастрлари обьектлари (газ, алоқа ва энергетика обьектлари, автомобиль ва темир йўллар, табиий ва техноген ҳавфи юқори бўлган тегралар, транспорт қувурлари, гидротехник иншоотлар, муҳофаза қилинадиган обьект ва ҳудудлар ҳамда бошқалар) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (изоҳ кўринишида). Бунда, давлат кадастрларини юритувчи вазирлик ва идоралар давлат кадастрлари ягона тизимидағи маълумотларнинг тўлиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

7. Жисмоний ва юридик шахслар “E-IJARA” АТ орқали бўш турган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни очиқ электрон танловга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш ҳукуқига эга.

Ижрочи жисмоний ёки юридик шахснинг таклифи келиб тушган қундан эътиборан беш иш куни ичида уни очиқ электрон танловдаги маълумотлар билан солиштирган ҳолда қабул қиласи ёки аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда жойлаштиришни рад этади, бўш ер участкаси аниқланган тақдирда, ер участкасига кадастр хужжатларини расмийлаштириш учун туман (шаҳар) ҳокимликларига таклиф юборади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари таклиф этилган ер участкасини ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирлари юзасидан кўриб чиқади. Кадастр хужжатларини расмийлаштириш юзасидан уч иш куни ичида Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларига электрон ахборот алмашинув орқали буюртма беради.

Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармалари беш иш куни ичида мазкур ер участкасининг кадастр хужжатларини туман (шаҳар) ҳокимлиги номига расмийлаштиради, натижаси бўйича таклиф этилган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни ёки рад этиш сабабларини электрон ахборот алмашинуви орқали “E-IJARA” АТга жойлаштиради.

Бунда, кадастр йиғмажилдини (паспортини) тайёрлаш ва ер участкасини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари қонунчилик хужжатларида белгиланган микдорларда маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан қопланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ваколатли органлар томонидан мурожаатни кўриб чиқиши асоссиз равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

8. Ижрочи беш иш куни ичида кўрсатилган ер участкаларини жойига чиқсан ҳолда ўрганади ва ер участкасининг ҳақиқий ҳолати (лойиҳалаштирилаётган ер участкасининг ҳолати, ҳудуднинг ихтисослиги, сув билан таъминланганлик даражаси ва ирригация тизимининг ҳолати, балл-бонитети, шўрланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар)дан келиб чиқиб, ер участкасининг ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади.

Ижрочи очиқ электрон танловга қўйилаётган ер участкаси бўйича ушбу Регламентнинг 5-бандида белгиланган қишлоқ хўжалиги мақсадлари ва ўлчамларидан келиб чиқиб, бир нечта ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиши мумкин.

Ҳар бир ер тузиш лойиҳасига “E-IJARA” АТда автоматик тарзда ўзига хос рақам берилади.

9. Ижрочи ҳар бир ер тузиш лойиҳасини Кадастр агентлигидан олинган дастлабки форматларда келишиш учун ваколатли ташкилотларга “E-IJARA” АТ орқали юборади.

Очиқ электрон танловга қўйилаётган ер участкасида давлат кадастрлари обьектлари (газ, алоқа ва энергетика обьектлари, автомобиль ва темир йўллар, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, транспорт қувурлари,

мелиорация ва ирригация иншоотлари, мухофаза қилинадиган объект ва ҳудудлар ҳамда бошқалар) мавжуд бўлган ҳолатларда қўшимча равища давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатли органлар билан ҳам келишилади.

10. Ваколатли ташкилотлар “E-IJARA” АТга ер тузиш лойиҳалари жойлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ушбу лойиҳаларни келишиади ёки келишишни рад этади.

Бунда “E-IJARA” АТда қабул қилинган қарор ҳақида электрон рақамли имзо билан тасдиқланадиган тегишли белги қўйилади.

Келишув ҳеч қандай эътиroz ва шартларсиз амалга оширилади.

Келишиш рад этилганда, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари нормаларига аниқ ҳаволалар қилинган ҳолда, тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини амалга ошириш (реализация қилиш) имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади ҳамда мазкур лойиҳа айнан қайси жиҳатдан ушбу нормаларга мувофиқ эмаслиги акс эттирилади.

Белгиланган муддатда жавоб берилмаган ҳолларда ер тузиш лойиҳалари келишилган ҳисобланади.

11. Ижрочи ер тузиш лойиҳасини тасдиқлаш учун икки иш куни ичида кўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда “E-IJARA” АТ орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади:

а) ер участкасининг майдони (гектарда) ва тоифаси ҳамда ер турлари контурлар кесимида жадвал шаклидаги маълумот;

б) инфратузилма обьектлари мавжудлиги тўғрисида маълумот;

в) ер участкасининг (1:10000 миқёсдаги, яйловлар учун 1:25000 дан 1:100000 гача миқёсдаги) қишлоқ хўжалиги электрон харитасидан кўчирмаси, ер тузиш лойиҳасининг чегаралари ва манзили;

г) чегарадош ер участкалари фойдаланувчилари ҳақида маълумотлар.

12. Туман (шаҳар) ҳокимлиги уч иш куни ичида тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиб, ЭРИ билан тасдиқлайди ва “E-IJARA” АТ орқали ижрочига юборади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги уч иш куни ичида очик электрон танловга қўйилаётган ер участкасининг ихтисослашуви ва йўналишига ўзгартириш киритиш ҳақида ер тузиш лойиҳасини ижрочига қайтариши мумкин. Бошқа сабаблар билан ер тузиш лойиҳасини қайтаришга йўл қўйилмайди.

13. Ижрочи уч иш куни ичида камчиликларни бартараф этиб, лойиҳани тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига қайта киритади.

Бунда ваколатли ташкилотлар билан қайтадан келишиш талаб этилмайди.

14. Туман (шаҳар) ҳокимлиги икки иш куни ичида тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиб, ЭРИ билан тасдиқлайди ҳамда “E-IJARA” АТ орқали ижрочига юборади.

Ер тузиш лойиҳаси белгиланган муддатда тасдиқланмаган ҳолларда лойиҳа тасдиқланган ҳисобланади ва ҳаракат “E-IJARA” АТда автоматик тарзда кейинги босқичга ўтади.

15. Ижрочи бир иш куни ичида туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ер тузиш лойиҳаси асосида ер участкасини очиқ электрон танловга қўйиш тўғрисида ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги электрон буюртмани “E-IJARA” АТ орқали операторга юборади.

Буюртмага ер тузиш лойиҳаси илова қилинади.

16. Буюртмага ер тузиш лойиҳаси илова қилинмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилган тақдирда, оператор томонидан буюртма келиб тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмасдан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун буюртмани “E-IJARA” АТ орқали ижрочига қайтаради.

17. Ижрочи буюртмани қайтаришга асос бўлган камчиликларни бир иш куни ичида тўлиқ бартараф этиб, такроран электрон буюртмани “E-IJARA” АТ орқали операторга юборади.

3-боб. Очиқ электрон танловни ташкил этиш тартиби

18. Оператор буюртма келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида очиқ электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги хабарнома ва лот ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси ижара шартномаси лойиҳасини савдо платформасида эълон қиласди.

Эълон қўшимча равишда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайти ва газеталарида ҳам эълон қилиниши мумкин.

19. Очиқ электрон танлов хабарнома ва лот ҳақида эълон берилган кундан бошлаб 15 календарь кунидан сўнг ўтказилади.

20. Очиқ электрон танловда иштирок этиш учун аризалар савдо платформаси орқали юборилади. Бунда:

икки ёки ундан ортиқ лотлар бўйича очиқ электрон танловда ғолиб бўлган талабгорга фақат битта ер участкаси учун ғолиблик баённомаси расмийлаштирилади, танлов ғолибига ер участкаларидан бирини танлаш имконияти берилади, қолган лотлар бўйича танлов натижалари бекор қилинади, бунда бекор қилинган лотлар бўйича закалат пули танлов ғолибига қайтарилади;

очиқ электрон танловда бир маротаба ғолиб бўлган шахс кейинги танловларда иштирок этмайди.

21. Очиқ электрон танловда қатнашиш учун талабгорнинг аризаси хабарнома жойлаштирилгандан бошлаб танлов ўтказилиши белгиланган кун соат 9-00 га (GMT+5) қадар савдо платформаси орқали қабул қилинади.

Қабул қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин келиб тушган аризалар қабул қилинмайды.

Талабгор ариза қабул қилиш муддати давомида ўз аризасини қайтариб олишга ва такроран беришга ҳақли.

22. Хабарнома ва лотга оид ахборот танлов бошланишидан камида 15 календарь кунидан олдин савдо платформасида эълон қилинади.

Хабарномада қўйидагилар акс эттирилади:

танлов шакли, ўтказиладиган санаси, танлов натижаларини эълон қилиш вақти;

лот рақами ва объект номи;

танловда қатнашиш учун ариза қабул қилишни якунлаш санаси ва вақти;

танлов объектига оид буюртмада кўрсатилган ва унга илова қилинган маълумот ва ҳужжатлар;

закалат пулининг миқдори;

ижрочининг манзили ва телефон рақами;

ижрочи томонидан тақдим этилган қўшимча маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

танлов объектини олдиндан кўриш (кўздан кечириш) тартиби;

танлов шартларини савдо платформасида эълон қилиш;

объектнинг жойлашган манзили, фотосурати ва геолокацияси.

Оператор томонидан савдо платформасида танлов ўтказилиши тўғрисида хабарнома эълон қилингандан кейин танлов шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Ижрочи томонидан буюртмани савдо платформасидан чиқариб олиш ҳамда танлов шартларини ўзгартирилган ҳолда буюртмани қайта юбориш ҳолатлари бундан мустасно.

Оператор ижрочи томонидан тақдим этилган танлов обьекти бўйича маълумот ва ҳужжатлар юзасидан жавобгар ҳисобланмайди.

4-боб. Очиқ электрон танловда иштирок этиш тартиби

23. Талабгорлар очиқ электрон танловда иштирок этиш учун:

савдо платформаси орқали ушбу Регламентга З-иловада келтирилган шаклдаги аризани ЭРИ билан тасдиқлаб юборади;

ер участкаси майдони 30 гектаргача бўлганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, 30 гектардан 100 гектаргача бўлган ҳолларда – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, 100 гектар ёки ундан кўп бўлганда – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдоридаги закалат пулини операторнинг махсус депозит ҳисобварафига киритади.

24. Ариза ушбу Регламент талабларига мувофиқ тақдим этилган тақдирда, оператор зудлик билан талабгорга танловда иштирок этиш учун рухсат беради, шунингдек, уяли алоқа телефонига ва электрон почта орқали

талабгорнинг танлов иштирокчиси мақомини олганлиги ҳақида қўшимча равишда хабар беради.

Талабгор хабар билан ўз вақтида танишмаганлиги учун оператор жавобгар ҳисобланмайди.

25. Ушбу Регламентнинг 23-бандида назарда тутилган закалат пули талабгор томонидан операторнинг махсус депозит ҳисобварағига киритилмаганда, талабгорлар танловда иштирок этишига рухсат берилмайди.

Талабгор томонидан савдо платформасига киритилган маълумотлар шу жумладан, танлов таклифларининг ҳаққонийлиги учун талабгор жавобгар ҳисобланади.

Очиқ электрон танловга талабгорлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмагани ёхуд танлов савдоларига оид маълумотлар билан танишиб чиқмаганлиги учун оператор жавобгар ҳисобланмайди.

5-боб. Очиқ электрон танловни ўтказиш ва балл бериш тартиби

26. Танлов натижалари бўйича талабгорларнинг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар танлов ўтказиладиган кун соат 10:00 да (GMT+5) савдо платформасида автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда очиқ электрон танлов дам олиш ва байрам кунларида ўтказилмайди.

27. Очиқ электрон танловда иштирок этаётган талабгорларнинг имкониятлари ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган мезонлар бўйича баҳоланади.

Чорва озуқа экинларини этиштириш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича очиқ электрон танлов ўтказилганда талабгор очиқ электрон танловга қўйилган ер майдонига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган микдордаги шартли бош чорва молларига эга бўлиши ҳамда ушбу чорва моллари белгиланган тартибда идентификация қилиниб, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ягона электрон ахборот тизимига киритилган бўлиши талаб этилади ҳамда бу баҳолаш даврида асосий кўрсаткич сифатида ҳисобга олинади.

28. Очиқ электрон танлов қўйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб эътироф этилади:

очиқ электрон танловда иштирок этиш учун ариза келиб тушмаган бўлса;

очиқ электрон танлов ғолиби томонидан ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолаш рад этилганда;

очиқ электрон танловда иштирок этиш учун фақат бир нафар иштирокчи ариза топширган бўлса (бундан З маротаба танлов ўтмаган деб эътироф этилган ва мазкур лот қайта танловга қўйилганда битта талабгор иштирок этиш ҳоллари мустасно).

29. Тегишли лот бўйича танлов ўтказилмаган деб эътироф этилганда, ўн кундан сўнг такрорий танлов умумий тартибда ўтказилади.

30. Оператор қуйидаги мажбуриятларга эга:

очиқ электрон танловни белгиланган вақтда ташкил этиш;

очиқ электрон танловнинг инсон омили аралашувисиз ўтишини таъминлаш;

дастурий маҳсулотлар, мавжуд техникаларини, сервер қурилмалари, коммуникация ускуналари ва танловни ўтказишида фойдаланиладиган барча воситаларнинг техник узилишларсиз ишлашини таъминлашга қаратилган барча зарур чораларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш;

очиқ электрон танлов қоидалари бузилишининг олдини олиш, бундай ҳолатларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш;

очиқ электрон танловда иштирок этишида барча иштирокчилар учун шарт-шароитларнинг тенглигини таъминлаш;

очиқ электрон танловни ўтказишида ошкоралик ва оммавийлик шартларини таъминлаш;

очиқ электрон танлов иштирокчилари ва барча манфаатдор тарафлар учун танловга оид маълумотларни қулай ва тезкор равишда доимий эълон қилиб бориш.

Оператор зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

6-боб. Очиқ электрон танлов ғолибини аниқлаш ва танлов натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартиби

31. Талабгорларнинг ҳар бир кўрсаткичига қўйилган баллар ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган мезонларга мувофиқ савдо платформаси орқали автоматик равишда ҳисоблаб чиқарилади.

32. Энг кўп балл тўплаган талабгор очиқ электрон танлов ғолиби деб топилади ва оператор томонидан танлов ўтказилган куннинг ўзида эълон қилинади ҳамда бир вақтнинг ўзида танлов ғолибининг шахсий қабинети, уяли алоқа телефонига ва электрон почта манзилига бу ҳақда хабар юборилади.

Талабгор тўплаган баллар teng бўлиб қолган тақдирда, календарь тартибида аризани биринчи бўлиб топширган талабгор очиқ электрон танлов ғолиби сифатида эътироф этилади.

33. Танлов обьекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолаш учун танлов ғолибига беш иш кунлик муддат берилади.

34. Оператор очиқ электрон танлов яқунланган кундан кейинги қундан кечиктирмасдан QR-кодини (матрик штрихли код) қўллаш орқали танлов натижалари тўғрисидаги маҳсус рақам қўйилган электрон баённомани расмийлаштиради ва танлов ғолибининг шахсий қабинетига юборади.

35. Баённомада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

танлов ўтказилган сана;

баённома расмийлаштирилган сана;

танлов ғолиби ҳақида маълумот ҳамда унинг танлов таклифларига берилган баллар;

танлов обьекти ҳақида маълумотлар;

буортмачи ва танлов ғолиби ўртасида танлов обьекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини тузиш муддати.

36. Агар танлов ғолиби баённома расмийлаштирилгандан сўнг танлов обьекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолашдан бош тортса, танловнинг салоҳиятли ғолибига (агар баллар teng бўлса – аризани олдинроқ берган талабгорга) оператор томонидан беш иш кунлик муддат берилади.

Танловнинг салоҳиятли ғолиби танлов обьекти бўйича ер участкасини ижарага олиш шартномасини имзолашга розилик билдирган тақдирда, у танлов ғолиби деб эътироф этилади ва белгиланган тартибда баённома расмийлаштирилади.

Белгиланган муддатда танлов обьекти бўйича “E-IJARA” АТ орқали туман (шаҳар) ҳокимлиги билан шартнома имзолашни рад этган танлов ғолиби (салоҳиятли ғолиб) томонидан киритилган закалат пули қайтарилмайди ҳамда ушбу маблағлар оператор тасарруфида қолади.

37. Очиқ электрон танлов ғолиби жисмоний шахс бўлган тақдирда, икки иш куни ичидан фермер хўжалиги сифатида ёки бошқа ташкилий-хуқукий шаклда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

Очиқ электрон танлов натижаларига доир электрон баённомада ғолиб сифатида ушбу жисмоний шахс, танлов натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги қарорда эса у томонидан таъсис этилган фермер хўжалиги ёки бошқа юридик шахс кўрсатилади.

Бунда, танлов ғолиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлгандан кейин ер участкасига бўлган хукуқ ташкил этилган юридик шахс номига давлат рўйхатидан ўтказилади.

38. Танлов ғолиби (салоҳиятли ғолиб) томонидан танлов обьекти бўйича туман (шаҳар) ҳокимлиги билан ер участкасини ижарага олиш шартномаси имзолагандан сўнг, оператор маҳсус депозит ҳисобварағига киритилган закалат пулининг йигирма фоизи миқдорида хизмат ҳақини чегириб қолган ҳолда, қолган 80 фоиз пулни беш иш кунидаги тартибда тақсимлайди:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” давлат муассасасига;

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим баравари миқдорида – ер участкасига бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тегишли ҳудудий бошқармасининг ҳисобварағига;

10 фоизи (ер участкаси майдони 100 гектар ва ундан кўп бўлганда 15 фоизи) – тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети даромадига;

қолган маблағлар – ижрочининг ҳисобварағига.

Танлов ғолибидан кейинги энг кўп баллни тўплаган талабгорга (салоҳиятли ғолиб) закалат пули танлов якунланган кундан бошлаб ўн иш куни ичида тўлиқ қайтарилади.

Бошқа талабгорларга операторнинг махсус депозит ҳисобварагига киритилган пул танлов якунланган ёки ўтказилмаган деб эътироф этилган кундан бошлаб уч иш куни ичида тўлиқ қайтарилади.

Ушбу низомнинг 6-бандида кўрсатилган ер участкаси чегараси ўзгарган ҳолларда танлов ғолибидан кадастр паспортини шакллантириш учун ҳам қонунчиликда белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.

39. Савдо платформаси орқали очиқ электрон танлов натижаларига доир электрон баённома “E-IJARA” АТ га жойлаштирилади.

40. Тегишли қарор лойиҳаси ва баённома ижрочи томонидан бир иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади. Қарор “E-qaror” ягона электрон тизимида қонунчиликда белгиланган тартибда уч иш куни ичида қабул қилинади ва “E-IJARA” АТга юборилади.

41. Белгиланган тартибда шакллантирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси ижрочи томонидан бир иш куни ичида туман (шаҳар) ҳокимлигига “E-IJARA” АТ орқали юборилади.

42. “E-IJARA” АТ томонидан юборилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси туман (шаҳар) ҳокимлиги ва очиқ электрон танлов ғолиби ўртасида ЭРИ билан автоматик тарзда тасдиқланади.

43. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ер тузиш ҳужжатлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг очиқ электрон танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани тасдиқлаш тўғрисидаги қарори нусхаси “E-IJARA” АТ орқали бир иш куни ичида Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бошқармасига юборилади.

44. Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тегишли худудий бошқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси асосида икки иш куни ичида очиқ электрон танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳукуқини давлат рўйхатидан ўтказади ва тегишли реестрдан кўчирмани электрон ахборот алмашинуви орқали ижрочига юборади.

Бунда ушбу низомнинг 6-бандида кўрсатилган ер участкаси чегараси ўзгарган ҳолларда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тегишли худудий бошқармаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномаси ва ер тузиш ҳужжатлари асосида беш иш куни ичида кадастр паспортини расмийлаштиради ҳамда очиқ электрон танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара ҳукуқини давлат рўйхатидан ўтказади ва тегишли реестрдан кўчирмани электрон ахборот алмашинуви орқали ижрочига юборади.

45. Ижрочи очиқ электрон танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара хуқуки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида реестрдан кўчирмани олган куннинг ўзида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижара шартномасини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг очиқ электрон танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ҳамда танлов ғолибининг ер участкасига бўлган ижара хуқукини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича реестрдан кўчирмани танлов ғолибига “E-IJARA” АТ орқали юборади.

46. Ижрочи уч иш куни ичида очиқ электрон танлов ғолибига ер участкасининг чегарасини жойида кўрсатиб беради.

47. Танловга қўйилган обьект буюртмачи томонидан ёки тегишли суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг қарорларига асосан танлов бошлангунга қадар ёки танлов ўтказилмаган деб топилгандан сўнг савдо платформасидан олиниши (буюртмага ўзгартириш киритилиши, бекор қилиниши) мумкин.

7-боб. Яқуний қоидалар

48. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

49. Мазкур Регламент талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги
мақсадлари учун ер участкаларини
ижарага беришнинг маъмурий
регламентига
1-илова

Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини
очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|------------|-----------|-----------|
|-----------|------------|-----------|-----------|

**I. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва худудларни
ихтисослаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари**

| | | | |
|----------|---|---|---|
| 1-босқич | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | 1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, худудларни ихтисослаштириш, бўш турган, захирадаги ва келгусида захирага олинадиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги корхонаси ёки деҳқон хўжалиги ташкил этиши учун очиқ электрон танловга чиқариш бўйича лойиҳаларни тайёрлайди. 2. Тайёрланган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига киритади. | Ҳар йили 1 ноябргача, заруратга кўра, йилнинг бошқа даврларида |
| 2-босқич | Ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари | Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан киритилган лойиҳаларни кўриб чиқади ва макуллайди. | Ҳар йили ноябрь оида, заруратга кўра, йилнинг бошқа даврларида |

**II. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини танловга
кўйиш тартиб-таомиллари**

| | | | |
|-----------|---|---|--------------------|
| 1-босқич | Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси | Туман (шаҳар) ҳокимликлари номига давлат рўйхатидан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларга беришмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни электрон ахборот алмашинув орқали “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-loyiҳalaш институтига юборади. | Доимий |
| | Жисмоний ва юридик шахслар | Бўш турган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни очиқ электрон танловга кўйиш юзасидан “E-IJARA” АТга таклифлар киритади. | Заруратга кўра |
| 1a-босқич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий- loyiҳalaш институти | Жисмоний ёки юридик шахснинг таклифини ўрганиб чиқади, ер участкасига кадастр хужжатларини расмийлаштириш учун туман (шаҳар) ҳокимликларига юборади ёки таклифни рад этади. | 5 иш куни ичида |
| | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | Таклиф этилган ер участкасига кадастр хужжатларини расмийлаштириш юзасидан Давлат кадастрлари палатаси худудий бошкармаларига электрон ахборот алмашинув орқали буюртма беради. | 3 иш куни ичида |
| | Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси худудий бошкармалари | Мазкур ер участкасига кадастр хужжатларини туман (шаҳар) ҳокимлиги номига расмийлаштиради, натижаси бўйича таклиф этилган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни ёки рад этиш сабабларини электрон ахборот алмашинув орқали “E-IJARA” АТга жойлаштиради. | 5 иш куни ичида |

| | | | |
|----------|--|--|-----------------|
| | | | |
| 2-босқич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти | <p>1. Туман (шахар) ҳокимликлари номига давлат рўйхатидан ўтказилган қишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисидаги маълумотларни “E-IJARA” АТ орқали юклаб олади.</p> <p>2. Ер участкасини жойига чиқсан ҳолда ўрганади ва ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқади.</p> <p>3. Ҳар бир лойиҳани келишиш учун ваколатли ташкилотларга юборади.</p> | 5 иш куни ичида |
| | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бўлинмалари | Ер тузиш лойиҳасини “E-IJARA” АТ орқали келишиади ёки келишишни рад этади. | 5 иш куни ичида |
| 3-босқич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти | Ер тузиш лойиҳасини “E-IJARA” АТ орқали тасдиқлаш учун туман (шахар) ҳокимлигига юборади. | 2 иш куни ичида |
| | Туман (шахар) ҳокимликлари | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан тақдим этилган ер тузиш лойиҳасини ЭРИ билан тасдиқлайди ҳамда “E-IJARA” АТ орқали “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти га юборади. | 3 иш куни ичида |
| | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти | Ер участкасини очик электрон танловга қўйиш тўғрисидаги буюртмани “E-IJARA” АТ орқали “E-AUKSION” электрон савдо платформасига юборади. | 1 иш куни ичида |

III. Танлов ўтказиш тартиб-таомиллари

| | | | |
|----------|--|---|---|
| | | | |
| 1-босқич | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси | Очиқ электрон танлов ўтказидаги хабарнома ва лот ҳакидаги маълумотларни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ер участкаси ижара шартномаси лойиҳасини “E-AUKSION” электрон савдо платформасида эълон қиласди. | 2 иш куни ичида |
| 2-босқич | Талабгорлар (жисмоний ва юридик шахслар) | Белгиланган закалат маблағларни “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг маҳсус депозит ҳисобварагига киритади ва ариза юборади. | 15 кун ичида |
| 3-босқич | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси | <p>1. Очик электрон танлов иштирокчиларига “E-AUKSION” электрон савдо платформасида танловни ташкил этади.</p> <p>2. Очик танлов ғолибини эълон қиласди ва бу ҳақда танлов ғолибининг шахсий кабинети, уяли алоқа телефонига ва электрон почта манзилига хабар юборади.</p> <p>3. Танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани расмийлаштиради ва танлов ғолибининг шахсий кабинетига юборади.</p> | Танлов ўтказилган куни соат 10:00 да (GMT+5) Танловдан кейинги кун |
| 4-босқич | Очиқ электрон танлов ғолиби | Баённомага қўйилган маҳсус рақамни киритиш орқали белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади. | 1 иш куни ичида |
| | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси | <p>1. Танлов натижалари тўғрисидаги электрон баённомани тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни автоматик равишда шакллантиради.</p> <p>2. “E-IJARA” АТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликларига “E-QAROR” ягона электрон тизимида қарорни қабул қилиш учун юборади.</p> | 1 иш куни ичида |

| | | | |
|----------|--|--|-----------------|
| 5-боскич | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | “E-QAROR” ягона электрон тизимида қарор қабул қиласи ва “E-IJARA” АТга юборади. | 3 иш куни ичида |
| 6-боскич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти | 1. Тасдиқланган қарор ва қишлоқ хўжалиги ер участкаси ижара шартномасини туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади. 2. Қишлоқ хўжалиги ер участкаси ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармасига юборади. | 1 иш куни ичида |
| 7-боскич | Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг худудий бошқармаси | 1. Танлов голибининг ер участкасига бўлган ижара хукукини давлат рўйхатидан ўтказади. 2. Реестрдан кўчирмани электрон ахборот алмашинуви орқали “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтига юборади. | 2 иш куни ичида |
| 8-боскич | “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти | Танлов голибига ер участкасининг чегарасини кўрсатиб беради. | 3 иш куни ичида |

Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги
мақсадлари учун ер участкаларини
ижарага беришнинг маъмурий
регламентига
2-илова

**Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини
очик электрон танлов орқали ижарага бериш учун
ЭЛЕКТРОН БУЮРТМА**

20__ йил “___” ____ да _____ туман (шаҳар) ҳокимлиги
томонидан тасдиқланган лойиҳа бўйича қўйидаги ер участкасини очик
электрон танлов орқали ижарага бериш учун ушбу буюртмани тақдим этади:

1. Ер участкасининг ўзига хос рақами _____;
2. Ер участкасининг майдони _____ га;
3. Ер участкаси жойлашган жой _____ ;
4. Белгиланган мақсади _____ ;
5. Ернинг тоифаси _____ ;
- 5.1. Ер тури _____ ;
6. Танлов ғолибининг мажбуриятлари _____ ;
- 6.1. Ижара муддати _____ ;
- 6.2. Танлов ғолибига қўйиладиган талаблар:

6.3. Ер участкасидан фойдаланиш шартлари ва тартибига тааллуқли
бошқа талаблар

7. “Ўздаверлойиҳа” институти худудий бўлинмасининг манзили
ва боғланиш учун маълумотлари (телефон рақами, электрон почта манзили
ва бошқалар) _____

Буюртма 20__ йил “___” _____ да тақдим этилди.
“Ўздаверлойиҳа” институтининг _____ худудий
бўлинмаси бошлиғи _____
(Ф.И.О.)

Юридик шахсларга қишлоқ
хұжалиги мақсадлари учун ер
участкаларини ижарага беришнинг
маъмурый регламентига
3-илова

Очиқ электрон танловда иштирок этиш учун АРИЗА

(юридик шахс учун — түлиқ номи, почта манзили, банк реквизитлари, телефон рақами, электрон почта манзили)

(жисмоний шахс учун — Ф.И.О., яшаши жойы, СТИР рақами, телефон рақами, электрон почта манзили)

Танлов үтказилиши ҳақидаги хабарнома билан танишдим:

Лойиха рақами: № _____

Лойиха
йұналиши, майдони: _____

Очиқ электрон танлов үтказиш қоидалари (кейинги үринларда – Қоидалар) билан танишиб, 20__ йил “___” ___________ куни соат ___
___ дақықада үтказиладиган очиқ электрон танловда иштирок этиш учун
ушбу аризани қабул қилишингизни сүрайман.

Очиқ электрон танловда иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этиб,
очиқ электрон танловни үтказиш бүйича қоидаларга ва келтирилган
шартларга розилик бераман.

Мен томондан тақдим этилган маълумотлар нотұғри бўлган тақдирда,
очиқ электрон танлов натижалари ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақида
огоҳлантирилдим.

Шунингдек, очиқ электрон танлов ғолиби деб топилган тақдиримда,
менга юклатиладиган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммамга оламан.

Тўлдирилган сана _____

Юридик шахсларга қишлоқ хұжалиги
мақсадлари учун ер участкаларини
ижараға беришнинг маъмурый
регламентига
4-илова

“___”-лот бүйіча қишлоқ хұжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага олиш учун
үтказилған танловда иштирок этган талабгорларнинг жамғарған балларини жамлаш
ВАРАҚАСИ

| T/p | Балл беріш мезонлари | Амалга ошириш муддати | Рейтинг баллари | Талабгор (Ф.И.О) |
|---|--|--|-----------------|------------------|
| А-БЛОК. Қишлоқ хұжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага олиш бүйіча мажбуриятлар | | | | |
| Қишлоқ хұжалиги ер майдонларини ижарага олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб, 30 йил муддатга ҳисобланадиган қўшимча тўловлар | | | | |
| 1 | Ижара ҳуқуқини ютиб олиш учун тўланадиган тўлов (мазкур сумма танлов ўтказилған санаадаги норматив қиймат бүйіча ҳисобланади ҳамда 30 йилга тенг тақсимланади) | 10 норматив қийматидан юқори (ҳар бир норматив қиймат учун) | 3 | |
| | | ер норматив қийматининг 0 баробаридан 10 баробаригача (ҳар бир норматив қиймат учун) | 2 | |
| Б-БЛОК. Талабгор ҳақида маълумот (автоматик равишида баҳоланади) | | | | |
| 2 | Талабгорнинг кредит тарихи | аъло кўрсаткич | 10 | |
| | | яхши кўрсаткич | 6 | |
| | | ўртача кўрсаткич | 3 | |
| | | зайф кўрсаткич | 2 | |
| | | ёмон кўрсаткич | 0 | |
| 3 | Талабгорнинг мутахассислиги | агроном, фермер ҳұжалигини бошқариш | 5 | |
| | | селекция ва уруғчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ер тузиш | 4 | |
| | | қишлоқ хұжалигини механизациялаш, агроиктисодиёт | 3 | |
| | | механик, зоотехник, ветеринар | 2 | |
| | | бошқа мутахассис | 1 | |
| | | мутахассислиги мавжуд бўлмаганданда | 0 | |
| 4 | Талабгор (юридик шахс раҳбари)нинг аграр соҳадаги иш стажи | 15 йил ва ундан юқори | 10 | |
| | | 10 йилдан 15 йилгача | 9 | |
| | | 5 йилдан 10 йилгача | 8 | |
| | | 3 йилдан 5 йилгача | 7 | |
| | | 1 йилдан 3 йилгача | 6 | |
| | | иш стажи бўлмаганданда | 0 | |
| 5 | Мавжуд қишлоқ хұжалиги техникаси (хизмат муддати 15 йилдан кам ва техник соз техникалар ҳисобга олинади) | юқори унумли техника (ҳайдов трактор ёки комбайн ёки ПТМ) | 10 | |
| | | универсал чопиқ трактори | 8 | |
| | | ишлов беріш трактори | 5 | |
| | | комбинациялашган агрегат | 4 | |
| | | юқ машинаси | 2 | |
| | | бошқа қишлоқ хұжалиги техникаси | 1 | |
| | | | | |

| | | | | |
|---|--|-------------------------------------|----|--|
| 6 | Мавжуд чорва боши сони (шартли бош) | 1 гектар ер учун 5 бош ва ундан кўп | 15 | |
| | | 1 гектар ер учун 4 бош | 10 | |
| | | 1 гектар ер учун 3 бош | 5 | |

В-БЛОК. Талабгорниң келгусидаги режалари

Яратиладиган иш ўрни

| | | | | |
|----|--|---|---|--|
| 7 | Пахта-ғаллачилик йўналишида | 1 йил давомида ҳар 2 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 3 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 3 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 2 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 5 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 1 | |
| 8 | Ғаллачилик (шоличилик) йўналишида | 1 йил давомида ҳар 5 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 3 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 10 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 2 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 15 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 1 | |
| 9 | Боғдорчилик-узумчилик йўналишида | 1 йил давомида ҳар 1 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 3 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 2 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 2 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 3 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 1 | |
| 10 | Сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа йўналишларда | 1 йил давомида ҳар 1 гектар майдон учун 3 та доимий иш ўрни | 3 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 1 гектар майдон учун 2 та доимий иш ўрни | 2 | |
| | | 1 йил давомида ҳар 1 гектар майдон учун 1 та доимий иш ўрни | 1 | |

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш

| | | | | |
|----|---|-----------------------------------|----|--|
| 11 | Сув тежовчи технологиялар жорий этиш | 10 йил давомида 100 фоиз майдонга | 20 | |
| | | 9 йил давомида 90 фоиз майдонга | 18 | |
| | | 8 йил давомида 80 фоиз майдонга | 16 | |
| | | 7 йил давомида 70 фоиз майдонга | 14 | |
| | | 6 йил давомида 60 фоиз майдонга | 12 | |
| | | 5 йил давомида 50 фоиз майдонга | 10 | |
| | | 4 йил давомида 40 фоиз майдонга | 8 | |
| | | 3 йил давомида 30 фоиз майдонга | 6 | |
| | | 2 йил давомида 20 фоиз майдонга | 4 | |
| | | 1 йил давомида 10 фоиз майдонга | 2 | |

Механизациялаштириш даражаси

| | | | | |
|----|---|---|----|--|
| 12 | Пахтачилик ва ғаллачилик (камида 30 гектар учун) йўналишида | 15 йил давомида камида 1 дона юқори унумли техника (<i>150 от кучидан юқори</i>) | 10 | |
| | | 10 йил давомида камида 1 дона универсал чопиқ трактори | 8 | |
| | | 7 йил давомида камида 1 дона ишлов бериш трактори | 6 | |
| | | 5 йил давомида камида 1 дона комбинациялашган агрегат | 4 | |
| | | 5 йил давомида камида 1 дона юқ машинаси | 3 | |
| | | 3 йил давомида камида 1 дона бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси | 1 | |

| | | | | | |
|--|--|---|-----|--|--|
| 13 | Чорвачилик (камида 10 гектар учун) йўналишида | 15 йил давомида камида 1 дона юқори унумли техника (<i>ҳайдов трактори ёки комбайн</i>) | 10 | | |
| | | 10 йил давомида камида 1 дона универсал чопиқ трактори | 8 | | |
| | | 7 йил давомида камида 1 дона ишлов бериш трактори | 6 | | |
| | | 5 йил давомида камида 1 дона комбинациялашган агрегат | 4 | | |
| | | 5 йил давомида камида 1 дона юқ машинаси | 3 | | |
| | | 3 йил давомида камида 1 дона бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси | 1 | | |
| | | 15 йил давомида камида 1 дона ҳайдов трактори | 10 | | |
| 14 | Сабзавот-полизчилик ва картошкачилик (камида 5 гектар учун) йўналишида | 10 йил давомида камида 1 дона махсус техникалар | 8 | | |
| | | 7 йил давомида камида 1 дона универсал чопиқ трактори | 5 | | |
| | | 5 йил давомида камида 1 дона комбинациялашган агрегат | 4 | | |
| | | 5 йил давомида камида 1 дона юқ машинаси | 3 | | |
| | | 3 йил давомида камида 1 дона бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси | 1 | | |
| | | 15 йил давомида камида 1 дона махсус мини трактор | 10 | | |
| | | 10 йил давомида камида 1 дона махсус техника | 8 | | |
| 15 | Боғдорчилик-узумчилик (камида 5 гектар учун) йўналишида | 7 йил давомида камида 1 дона комбинациялашган агрегат | 6 | | |
| | | 5 йил давомида камида 1 дона юқ машинаси | 5 | | |
| | | 3 йил давомида камида 1 дона бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси | 1 | | |
| Чорвачилик йўналиши учун | | | | | |
| 5 йил давомида 5 бош ва ундан кўпайтириш | | 10 | | | |
| 16 | Сугориладиган экин ерларида 1 гектар майдон учун чорва мол бош сонини ошириш | 3 йил давомида 4 бошга етказиш | 5 | | |
| | | 1 йил давомида 3 бошга етказиш | 3 | | |
| | | 5 йил давомида 3 бошга ва ундан кўпайтириш | 10 | | |
| 17 | Сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектар майдон учун чорва мол боши сонини ошириш | 3 йил давомида 2 бошга етказиш | 5 | | |
| | | 1 йил давомида 1 бошга етказиш | 3 | | |
| | | 5 йил давомида 3 бошга ва ундан кўпайтириш | 10 | | |
| 18 | Яйлов ва пичанзорларда 2 гектар майдон учун чорва мол бош сонини ошириш | 3 йил давомида 2 бошга етказиш | 5 | | |
| | | 1 йил давомида 1 бошга етказиш | 3 | | |
| | | 5 йил давомида 3 бошга ва ундан кўпайтириш | 10 | | |
| Г-БЛОК. Умумий балларни оширувчи коэффициентлар (автоматик равишида баҳоланади) | | | | | |
| 19 | Ер участкаси жойлашган ҳудуд (МФЙ)да яшовчи талабгор | | 1,3 | | |
| 20 | Ер участкаси жойлашган туманда, бироқ бошқа ҳудуд (МФЙ)да яшовчи талабгор | | 1,2 | | |
| 21 | Ер участкаси жойлашган вилоятда, бироқ бошқа туман (шахар)да яшовчи талабгор | | 1,0 | | |
| ЖАМИ | | | | | |

Изоҳ. Танловга қўйилаётган ер майдони норматив қийматининг жорий нархи белгиланган тартибда ҳар бир экин тури бўйича ҳисоб-китоб қилинган ҳолда ер тузии лойиҳаси билан бирга тақдим этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” ноябрдаги 709-сон қарорига
3-илова

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини
иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари:

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан агросаноат кластерлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ижарага берилган ер участкаларига;

давлат органлари ва ташкилотларига, шу жумладан Куролли Кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий таълим муассасалари, ташкилотларига берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно);

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилган ва улар томонидан фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига татбиқ этилади.

3. Куйидаги ер участкалари иккиламчи ижарага берилмайди:

дехқон ва томорқа хўжаликлари берилган ер участкалари (Ер кодекснинг 24³-моддасига мувофиқ вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин);

жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун берилган ер участкалари;

инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ижарага берилиб, фойдаланишга киритилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари.

4. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида ижара ҳаки эвазига иккиламчи ижарага олувчига белгиланган муддатга фойдаланиш учун бериш;

иккиламчи ижарага берувчи – ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган субъектлар;

иккиламчи ижарага олувчи – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш шартномасига мувофиқ қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини белгиланган тартибда иккиламчи ижарага берувчидан оладиган юридик ва жисмоний шахслар;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланиладиган ер участкалари (суғориладиган ва лалми ҳайдалма ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик мевали-резавор дов-дараҳатлар, токзорлар ва бошқа дараҳатлар банд бўлган ерлар, яйлов ва пичанзорлар);

оралиқ экиш – экин майдонларини асосий экинлардан бўшагандан кейин ҳамда боғ-ток қатор ораларига экин экиб вактингча фойдаланиш;

фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари – инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик битимида назарда тутилган талаблар асосида фойдаланишга (ирригация ва мелиорация тизимларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, қайта тиклаш, янгидан барпо этиш, мевали кўчатлар экиш, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ва бошқалар) киритилган ер участкалари;

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси;

иккиламчи ижара шартномалари реестри – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида ижара ҳақи эвазига иккиламчи ижарага олевчига белгиланган муддатга фойдаланишга бериш тўғрисида ижарага берувчи ва ижарага олевчи ўртасида тузилган шартномаларни ҳисобга олиш реестри.

5. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) берилади.

Агар қонунчиликда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, ер участкасини иккиламчи ижарага бериш иккиламчи ижарага берувчининг ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари оралиқ қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун юридик ва жисмоний шахсларга бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилади.

Инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг (кейинги ўринларда – шартнома) муддати иккиламчи ижарага берувчи ва иккиламчи ижарага олевчининг (кейинги ўринларда – тарафлар) келишувига кўра белгиланади. Мазкур муддат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномаси муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

7. Иккиламчи ижарага бериш шартномалари ваколатли орган томонидан электрон ахборот тизими орқали иккиламчи ижара шартномалари реестрида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Иккиламчи ижарага бериш шартномаларини иккиламчи ижарага шартномалари реестрида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун ваколатли органга базавий ҳисоблаш микдорининг 5 фоизи микдорида тўлов амалга оширилади.

Иккиламчи ижарага олувчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган бўлса, тўлов ундирилмайди.

Иккиламчи ижарага шартномалари реестри Ер кадастрига доир ахборот ҳисобланади.

2-боб. Шартнома тузиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

8. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари иккиламчи ижарага ихтиёрийлик асосида иккиламчи ижарага берувчининг ташабbusи билан иккиламчи ижарага олувчининг розилигига кўра фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш мақсадида берилади.

9. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари иккиламчи ижарага ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

10. Шартнома иккиламчи ижарага берувчи ва иккиламчи ижарага олувчи ўртасида ёзма шаклда, қофоз ёки электрон хужжат шаклида тузилади.

Қофоз шаклидаги шартнома камида 4 нусхада тузилади.

Тарафлар шартномани тузишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилишлари шарт.

11. Иккиламчи ижарага бериладиган ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, шартнома суммасининг микдори ва бошқа шартлар тарафларнинг келишувига асосан белгиланади ҳамда шартнома билан мустаҳкамланади.

12. Шартнома иккиламчи ижарага берувчининг ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаатига асосан ваколатли орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ваколатли орган мурожаатни кўриб чиқишида қўшимча зарур маълумотларни идоралараро ахборот тизимлари орқали ўзаро ҳамкорлик қилиш асосида олади.

13. Тақдим этилган мурожаат ва шартнома ваколатли орган томонидан уч иш куни ичидаги кўриб чиқилади.

Хужжатлар ваколатли органга келиб тушган сана мурожаат қабул қилинган сана ҳисобланади.

Ваколатли орган шартномани кўриб чиқиши натижаларига кўра, уни иккиламчи ижара шартномалари реестрида давлат рўйхатидан ўтказиб, реестрдан кўчирма тақдим этади ёки асослантирилган хulosса билан давлат рўйхатидан ўтказишни рад этади.

14. Куйидаги ҳолларда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади:

мурожаат ваколатсиз шахс томонидан имзоланган ёки умуман имзоланмаган тақдирда;

иккиламчи ижарага берилаётган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуки ижарага берувчига тегишли бўлмагандан;

иккиламчи ижарага берилаётган ер участкаларига бўлган тегишли хуқук белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаганда;

иккиламчи ижарага бериш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўлов амалга оширилмаганда;

қонунчиликка мувофиқ кўрсатилган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш мумкин бўлмаганда.

Холосада рад этиш асослари аниқ кўрсатилиши шарт.

Мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар асосида шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Ваколатли орган қароридан норози бўлган шахслар белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

15. Ваколатли орган ер участкаларини иккиламчи ижарага беришга оид хужжатларни кўриб чиқиши натижаси ҳақида тарафларни бир иш куни ичидаги ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

16. Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, иккиламчи ижарага берувчи шартнома давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин икки иш куни ичидаги шартномада кўрсатилган ер участкасини иккиламчи ижарага олувчига фойдаланиш учун бериши, мазкур ҳолат тарафлар томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилиши лозим.

Тарафларнинг келишувига кўра, иккиламчи ижарага бериладиган ер участкасининг чегараларини жойида белгилаш ва уни ажратиб бериш учун геодезия фаолиятини амалга ошириш хуқуқига эга бўлган ташкилотлар жалб қилиниши мумкин.

3-боб. Инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга киритилган ер участкаларини иккиламчи ижарага беришнинг алоҳида хусусиятлари

17. Инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг факат фойдаланишга киритилган қисми иккиламчи ижарага берилиши мумкин.

18. Ер участкаларининг фойдаланишга киритилганлиги туман қишлоқ хўжалиги бўлим мининг хulosаси асосида аниqlанади.

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг фойдаланишга киритилганлигини беш иш кунида жойига чиқсан ҳолда мониторинг қилади.

19. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг фойдаланишга киритилганлиги куйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

давлат-хусусий шериклик битими юзасидан давлат шеригининг хусусий шерик томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини фойдаланишга киритиш бўйича бажарилган мажбуриятларини тўлиқ қабул қилиб олганлиги;

инвестиция шартномасида қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга киритиш бўйича мажбуриятлар инвестор томонидан тўлиқ бажарилганлиги.

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик битимиға мувофиқ фойдаланишга киритилган ер участкаларининг фойдаланишга киритилгунга қадар бўлган ҳолатларини тасдиқловчи хужжатлар асосида таққослаш орқали таҳлил қиласди.

20. Мониторинг якуни бўйича тегишли хулоса тайёрланади.

Хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

инвестиция шартномаси (ёки давлат-хусусий шериклик битим) тузилган сана ва рақам;

инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик битимида фойдаланишдан чиқсан ер участкаларини фойдаланишга киритиш билан боғлиқ тадбирлар, уларнинг бажарилганлик даражаси;

фойдаланишга киритилган ер участкасининг хуқуқий режими, жойлашган жойи (манзили), чегараси, контур рақами, майдони, ер тоифалари;

белгиланган ер участкаларининг инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик битимиға мувофиқ фойдаланишга киритилганлиги ёки киритилмаганлиги.

Мониторинг жараёни фото (видео) қайд этишнинг маҳсус автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилади.

Хулосага давлат шеригининг хусусий шерик томонидан бажарилган мажбуриятлар тўлиқ қабул қилиб олинганлиги ёки инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилганлигини тасдиқловчи хужжатлари ҳамда фото (видео) тасвирлар илова қилинади.

21. Мониторинг якуни бўйича ижобий хулоса қабул қилинганда ер участкасини иккиламчи ижарага бериш мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага берганлик учун тўловлар

22. Иккиламчи ижарага олувчи ер участкасининг иккиламчи ижара ҳақи учун тўловларни амалга оширади.

23. Иккиламчи ижара ҳақи микдори ерларнинг балл бонитети, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун солиқ ставкалари, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматидан келиб чиқсан ҳолда, тарафларнинг келишуви асосида эркин белгиланади.

24. Иккиламчи ижара ҳақи ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг банкдаги ҳисобварағига нақд ёки нақд пулсиз шаклда, электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ёхуд тарафларнинг келишувига асосан қонунчиликда тақиқланмаган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

5-боб. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш шартномасига ўзгартириш киритиш ва уни бекор қилиш

25. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда киритилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар ушбу Низомда белгиланган тартибда иккиламчи ижара шартномалари реестрида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

26. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига кўра ёки суд тартибida бекор қилиниши мумкин.

Агар қонунчиликда ва шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиш шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

6-боб. Яқунловчи қоида

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган
ер участкаларини иккиламчи ижарага
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш
СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|--|---|--|
| 1-босқич | Ер участкаларни иккиламчи ижарага берувчи юридик ва жисмоний шахслар | <p>1. Ўз ташаббуси билан ихтиёрийлик асосида иккиламчи ижарага олувчининг розилиги билан ёзма ёки электрон шаклда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тўғрисида шартнома тузади.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий органларига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қиласди.</p> | Заруратга кўра |
| 2-босқич | Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси | <p>1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш бўйича тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиши натижаси бўйича куйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:</p> <p>а) шартномани рўйхатдан ўтказиш; б) шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этиш.</p> <p>2. Ер участкасини иккиламчи ижарага беришга оид хужжатларни кўриб чиқиши натижаси ҳақида тарафларни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласди.</p> | 3 иш куни ичида 1 иш куни ичида |
| 3-босқич | Ер участкаларни иккиламчи ижарага берувчи ва ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахслар (ўзаро келишув асосида) | <p>1. Ер участкасининг чегараларини жойида белтилаш ва уни ажратиб бериш.</p> <p>2. Ер участкасини ажратиш бўйича тегишли далолатномани расмийлаштириш.</p> | 2 иш куни ичида ёки шартномада белгиланган муддатда |

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” ноябрдаги 709-сон қарорига
4-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “2004 – 2006 йилларда фермер
хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;
бешинчи – саккизинчи хатбошилар тегищлича учинчи – олтинчи
хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 7 ва 8-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

